Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 139 (3640) СЕШАНБА
21 ИЮНЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Югославия Коммунистлар Союзининг XI съезди делегатларига, югославиялик барча коммунистларни қизғин табриклайди.

● Ўртоқ Л. И. Брежнев Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси ўртоқ Тодор Живковга мактуб йўллаб, унга Димитров мукофотининг лауреати деган фахрий унвон берилиши муносабати билан йўллаган табрикномаси учун қизғин миннатдорчилик изҳор этди.

● Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Совет Ўзбекистони» газетасининг журналистлари, авторлар активи ва ўқувчиларнинг газетанинг биринчи сони чиққан кунининг 60 йиллиги билан қизғин табриклайдилар.

● Область партия комитетида Ўзбекистон Компартияси Тошкент область шаҳар, район комитетлари ходимлари ва бир қатор бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети умумий бўлимининг мудири П. Н. Неъматов «Шаҳар, район партия комитетлари умумий бўлим мудирларининг Тошкент шаҳрида иттифоқдош республикалар партия комитетлари умумий бўлим мудирларининг зонал йиғилиши тавсияларидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида» доклад қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни халқ хўжалик вазифаларини бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги катта хизматлари учун ва биринчи сони чиққан кунининг 60 йиллиги муносабати билан «Совет Ўзбекистони» газетаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1978 йил 20 июнь. Тошкент шаҳри.

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

МАЖБУРИЯТ АСОСИДА

Тошкент шаҳри қурилиши бош бошқармасига қарашли 6-қурилиш трести қурувчилари ҳам беш йилликнинг уч йили план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилишган. Улар йил бошидан буён Бешқайрағоч массивида маиший хизмат кўрсатиш уйи, «Сувенир» фабрикаси, полимерлар химияси лабораторияси, гиламларни химиявий тозалаш фабрикаси сингари объектларни фойдаланишга топширишди.

Трест ўтган ой планини муваффақиятли адо этди. Бунда А. Толмачев, Т. Магдиев, А. Кириенко раҳбарлигидаги бригадаларнинг ҳиссалари катта бўлди. Улар коллективда тежамкорлик учун бошланган мусобақада ҳам пешқадамлик қилиб, йил охирига қадар икки тоннага яқин металл ва ўн куб метр бетон қоришмаси, ёғоч-тахта иқтисод қилишга қарор қилишган.

7-қурилиш бошқармасининг В. Ситников, 33-қурилиш бошқармасининг Н. Курач, 70-қурилиш бошқармасининг Н. Губайдулин бошлиқ бригадалари эса уч йиллик планларини бажариб, шу кунларда 1979 йил ҳисобига қурилиш-монтаж ишларини адо этишяпти.

• Тежамкорлик — яхши хислат

ЮКСАК АНИҚЛИК БИЛАН

Енгил металл конструкциялари заводи коллективи беш йилликнинг учинчи йилида катта марраларни нўзлаб меҳнат қилаяпти. Бу йил маҳсулот реализация қилиш бўйича йиллик планни муддатидан илгари бажаришдан ташқари, меҳнат унумдорлигини 0,3 процентга ошириш, материаллардан омилкорлик билан фойдаланиш, тежамкорлик режимини кучайтириш орқали товар маҳсулотга сарфланадиган маблағни бир процентга камайтириш мажбуриятлари олинган. Мажбуриятларнинг бу бандларини бажаришда корхона ихтирочилари ва рационализаторлари зўр бериб ҳаракат қилишяпти. Конструкциялар учун тунука, металл трубалар, устунлар ишлатиладн. Коллектив бу буюмлардан омилкорлик билан фойдаланишга ҳаракат қилаяпти. Масалан, тунукани олайлик. Техник норма бўйича уни бичаётганда 1 процент чиқит чиқиши керак. Завод ходимлари эса деталь тайёрлаётганда ҳисоб-китобни аниқ олиб, чиқитни техник нормадагидан камайтиришга муваффақ бўлишяпти. Чиқитнинг ўзидан ҳам конструкцияда зарур бўладиган майда деталлар тайёрлашга ҳаракат қилинади.

Завод рационализаторлари фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг ижодий изланиши билан заводда йил бошидан бери 100 тоннадан ортиқ металл тежалди.




«Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор токари Ботир Қосимов смена-ойлик топшириқларини мунтазам равишда 120—130 процентдан бажаришга муваффақ бўляпти.

СУРАТДА: пешқадам ишчи Б. Қосимов.

М. Нуриддинов фотоси.

«Халқлар дўстлиги» майдонида



Янги қурилиш чорраҳасида

Фоторепортаж

«Вақтлар ўтгач Тошкент марказида совет халқларининг интернационал дўстлиги ва қардошлиги рамзи сифатида қад ростлаган Халқлар дўстлиги майдони, Фурқат ва Ново-Узбекистанская кўчаларининг ҳар икки томонига ям-яшил дарахтлар ҳусн бўлиб туради».

Газетамизнинг апрель ойи сонларидан бирида «Бугун чорраҳа, эртага майдон» сарлавҳали мақолада ана шундай сўзлар ёзилган эди. Унда Ўзбекистон пойтахтининг меъморлари ва қурувчилари шаҳримизнинг янги Халқлар дўстлиги майдонини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича натта режалар-ни белгилашгани ҳусусида фикр юритилган эди.

Ўшандан бери икки ойдан зиёд вақт ўтди. Меъмор ва қурувчиларнинг режалари ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Янги қурилишларнинг бош чорраҳаси. Шу кунларда бу ерда «Главташкентстрой» ва бошқа қурилиш ташкилотларининг бинокорлари натта ҳажмда иш олиб боришяпти. Минорали нўтарма кранлар нўзга ташланади, бульдозер ва экскаваторларнинг овози бу ердан ўтаётган трамвай ва автомашиналар шовқинини босиб кетгудек бўлади. Улкан «КРАЗ»лар ва бошқа ағдарма машиналар уй-жойлар қурилиши учун ҳозирланаётган нотлованлар томон «шўнғишади». Бошқалари эса у ердан Тошкент заминининг қизғиш тупроғини ортганича шаҳар чети томон «чопишади». Бўлажак майдоннинг макетида акс эттирилган иморатлар нўз ўрни мизда аста-секин нўққа бўй чўзмоқда.

Фурқат нўчаси бўйлаб Хадра майдони томонга «Ташинжстрой» трести механизаторлари коллективи эни 119 метр, узунлиги 900 метр бўлган транспорт магистралини бунёд этишмоқда. Ишлар белгиланган режа асосида, гоҳида графикдан ўзган ҳолда амалга оширилаяпти.



— Май ойи топширигини муддатидан илгари бажарғандик, — дейди «Ташинжстрой» трести 10-қурилиш бошқармасининг прораби Мирфозил Миралимов.— Июнь ойи топширигини ҳам белгиланган муддатдан илгарироқ тугалламоқчимиз. Чунки бу ерда трестимизнинг энг яхши бригадаси — Нурфаёз Ғаниев бошлиқ бригада коллективи меҳнат қилмоқда. Қурувчилар 686 метрлик коллектор қурилишини тезкор усулда барпо этишяпти. Коллекторга иккита иссиқлик трассаси, водопровод қувурлари, кабеллар ётқизилади. Ҳозиргача Хадра майдони томонга 120 метр коллектор ўтказдик.

Иш суръати кун сайин ўсмоқда. Н. Ғаниев бригадаси меҳнат унумдорлигини ўстирмоқда. Бу бригада беш йиллик планни уч йилда бажариш ҳақида социалистик мажбурият қабул қилган.

Уларнинг ёнида қурувчи ва монтажчилар ишлашмоқда. 11-«Висотстрой» қурилиш трестининг 69-қурилиш бошқармаси Партия тарихи институти учун 7 қаватли бино бунёд этишяпти. Иш графикларига тўла риоя қилинмоқда. Бошқарманинг пешқадам коллективи Валерий Денисов бошлиқ бригада бинонинг 7-қаватини монтаж қилишни бошлади. Бу йил 11-қурилиш трести ва унинг ёрдамчи пудратчилари эҳтимол 800 минг сўмлиндан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажаришди.

Халқлар дўстлиги майдони планига нўра, бу ерда Тошкент метрополитенининг бошқармаси биноси, маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектларига эга бўлган уй-жойлар комплекси ҳам бунёд этилади. 2-уйсозлик комбинатининг коллективи Фурқат ва Ново-Узбекистанская нўчалари чорраҳасида «Олмазор» турар жой массиви қурилишида 9 қаватли уй-жойларни монтаж қилмоқда.

Майдоннинг асосий объекти шубҳасиз 4100 ўринли кино—концерт залн ҳисобланади. Улкан иншоот қурилиши 11-«Висотстрой» трестининг ҳўжалик ҳисобидаги участкаси коллективи томонидан амалга оширилмоқда. Шу кунларда объектда Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармаси ҳамда республика Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлигининг 300 дан зиёд бинокори меҳнат қилаяпти. Бу йил объектда 2 миллион 700 минг сўмликдан зиёд капитал маблағ ўзлаштирилиши керак.

Участкада авж олдирилган социалистик мусобақада Ленин ордени навоийчи Мухтор Ҳабибуллаев бошлиқ комплекс бригада машъалини қилаяпти. Коллективга бирлашган 32 нафар монтажчи ва электр пайвандчилар кунлик нормаларини ўртача 23 процентдан ошириб адо этишмоқда. А. Сморобогатченко раҳбарлигидаги бригада бу ерда катта ҳажмда қурилиш ишларини бажаряпти. А. Сморобогатченко объектда ташкил этилган уставдан ташқари партия группасининг бошлигидир.

Халқлар дўстлиги майдонида қаватлар тез қад кўтаряпти. Атроф-теварак ободонлаштирилмоқда. Қурувчи ва монтажчилар Ўзбекистон пойтахтининг энг яхши майдонини тезроқ битказиш учун натта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини юқори суръатларда амалга оширмоқдалар.

А. НИЕЗОВ,
В. ЭНКЕР.

СУРАТЛАРДА: Кинотеатр зали қурилишининг умумий кўриниши. «Ташинжстрой» трести 10-қурилиш бошқармаси прораби М. Миралимов ва қурувчи И. Йўлчибоев; М. Ҳабибуллаев бошлиқ бригаданинг илғор монтажчи ва пайвандчиларидан (чапдан) Н. Букацело, С. Потрясов ва С. Павлов.

В. Энкер фотолари.

ЎЗБЕК ПАХТАСИ МЕКСИКАДА

Ҳозирги пайтда Лотин Америкасидаги Мексиканинг Игуала шаҳри атрофидаги далаларда ўзбек пахтаси ҳам етиштирилмоқда. Зайцев номли Бутуниттифоқ пахтачилик селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг олимлари етиштирган С—47—27», «108Ф», «С—60—30» сингари гўза навлари парвариш этилмоқда. Совет ва Мексика селекционерларининг бундан икки йил муқаддам бошланган илмий ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида Мексика фанлари ва техника миллий институти таклифига биноан олимларимиз ана шу мамлакатда экспедиция ўтказишди. Экспедиция аъзолари у ерда пахтачиликнинг йўлга қўйилиши билан танишдилар ва Игуала шаҳри атрофидаги субтропик экинлар тажриба станциясини бориб кўрдилар. Ана шу ерда Мексика олимлари совет селекционерларининг илмий иш олиб боришлари учун қулай шароит яратиб беришди. Экспедиция составидаги Бутуниттифоқ институтининг олимлари билан бирга тошкентлик ўсимликлар экспериментал геология институтининг директори А. Абдуллаев ва Ю. Зайцев номли Бутуниттифоқ институтининг олими Ю. Узоқов қатнашдилар.

Мексикадаги тажриба участкасида меҳмонлар ва мезбонлар гўзани тажриба тариқасида экиб, унинг парваришини йўлга қўйдилар. Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг олими, геология фанлари кандидати К. Лемешев у ерлаги ишларни давом эттирмоқда. Яқинда пахтачилик селекцияси ва уруғчилиги институти адресига хушхабар келди. Унда совет олимлари яратган пахта уруғи навлари Мексикада муваффақиятли етиштирилганлиги маълум қилинади.

Беш йилликнинг уч йили плани — СССР Конституцияси кунигача

МАШИНАСОЗЛАР УЧУН

Тошкент шаҳри қурилиши Бош бошқармасига қарашли 4-қурилиш трести 19-қурилиш бошқармасининг Константин Кубанцев бошлиқ комплекс бригаласи Куйбишев райони Невский кўчасида «Союзмашхлопководство» цехлаб чиқариш бирлашмаси машинасозларига атаб ётоқхона қурмоқда.

Хўжалик ҳисоби методи бўйича иш олиб борилиши туфайли бригада объектни графикдан ярим ой ўзган ҳолда бунёд этяпти. Социалистик мусобақада бетончи А. Ваҳобов, гишт терувчилар З. Музаффарова, Х. Сидликова, пайвандчи С. Савенков кунлик топшириқларини 125-135 процентдан бажаришиб пешқадамлик қилишяпти.

Москвалик ишлаб чиқариш илғорлари каби СССР Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигигача беш йилликнинг уч йили топшириғини бажаришга қарор қилган бригаданинг аъзолари ҳар ойда топшириққа қўшимча уч минг сўмликдан зиёд иш бажаришга муваффақ бўлишмоқда.

• Сифат ва самарадорлик — шиоримиз

Барчага манзур

Юқори сифат ва самарадорликка эришишда «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи қўлгина ютуқларга эришмоқда. Бунинг учун корхонада барча шарт-шароитлар мавжуд. Бирлашманинг тикув цехлари ва филиалларн замонавий тикув машиналари, ярим автоматлар билан жиҳозланган. Тугмага тешик очиш ва қадашда ярим автоматлардан фойдаланилаяпти. Тежалган вақт ҳисобига кўпроқ маҳсулот тайёрланмоқда. Корхона тикиб чиқараётган аёллар ва эркаклар-нинг, қизлар ва ўғил болаларнинг қишки ва мавсумий пальтолари харидорларнинг эътиборини қозонмоқда.

Ҳозирги кунда бундай тайёр кийимлардан 33 хили фахрли беш қиррали белги билан ишлаб чиқарилмоқда.

Май ойининг ўзида корхонанинг 16 хил янги моделдаги маҳсулоти Давлат Сифат белгиси билан тақдирланди. Бу кийимлар сифатли жун матодан тикилган бўлиб, энг янги моделдадир. Сифат белгили кийимлар аёллар, эркаклар ва кичкинтойларимизга манзур бўляпти.

• Санъат янгилиги

Гастроль муваффақиятли бошланди

Алишер Навоий номли Ўзбекистон Давлат академик катта театрининг балет труппаси Хоразм областидаги ўз гастролларини Мусаевнинг «Афсоналар водийсида» балетини намойиш қилиш билан бошлади.

Хоразмликлар пойтахтлик санъаткорлар ижросида «Жизель», «Севги афсонаси», «Испан миниатюралари», «Ҳоним ва безори» балетларидан парчалар кўрадилар.

Театр артистлари корхоналарда, қурилиш объектларида, далаларда меҳнаткашлари ҳузурида бўладилар, уларга ўз ижодлари ҳақида гапириб берадилар, спектакллардан парчалар кўрсатадилар. Балет труппасининг гастроли шу ойнинг охиригача давом этади.

Оперетта — ишчилар саҳнасида

Тошкент трактор заводи Маданият саройининг ҳаваскорлик студиясида Ю. Милютиннинг «Цирк чироқларини ёқади» музикали комедия премьераси кўрсатилди. Асосий ролларни Светлана Толмачева ва бошқа тракторсозлар ижро этишди.

Завод ҳаваскорлари янги спектаклни Ўзбекистон пойтахтидаги бошқа корхоналарнинг меҳнатчиларига ҳам кўрсатишади.

(ЎзТАГ).

ДАДИЛ ҚАДАМ

Шаҳримиз қурувчилари ўртасидаги меҳнат беллашувида машъаллик қилаётган «Главташментстрой» 11-«Висотстрой» қурилиш трестининг бинокорлари пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турган кўплаб архитектура иншоотларини бунёд этишган. Улар беш йилликнинг учинчи йилида ҳам 4 минг 100 томошабинга мўлжалланган кино-концерт залн, Ўзбекистон Компартияси тарихи институти, партия тарихи архиви, ўрмончилар уйи каби қатор осмонўпар бинолар қурилишида зарбдорона иш олиб боришяпти. Шу сабабли ҳам трест ўтган беш ойлик топшириқни ошириб бажарди. Бош пудрат ишлари плани 108,8, ўз кучлари билан иш бажариш топшириғи 113,4 процентга адо этилди.

Трест қўлга киритаётган муваффақиятларда Халқлар дўстлиги проспектида қурилиш ишларини жадал суръатларда амалга ошираётган М. Ҳабибуллаев, А. Сморобогатченко, В. Денисов бошлиқ комплекс бригадалар ва ВЛКСМ XVII съездининг делегати А. Князев раҳбарлигидаги коллектив аъзолари катта ҳисса қўшишмоқда.

Бу ишлаб чиқариш пешқадамлари бош бўлган бинокорлар беш йилликнинг уч йиллик топшириғини СССР Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигигача адо этишга бел боғлаганлар.

Янги оби ҳаёт ариғи

Пойтахт областидаги Паркент магистрал канали ишга туширилди. Унинг 24 километр бўлган дастлабки шохобчасидан оби ҳаёт оқа бошлади.

Ана шу сув иншоотини қуришда ва уни лойиҳалашда шаҳримиздаги жуда кўп лойиҳа институтларининг мутахассислари қатнашмоқдалар. Жумладан, «Сельэнергопроект» институтининг Ўрта Осиё бўлими мутахассислари салмоқли ишларни бажаришди. Унинг ходимлари тўрт йил мобайнида электр тармоқлари ва янгидан ўзлаштирилаётган қўрик ерларда ташкил этилган учта совхознинг электр таъминотига доир техника лойиҳаларини ишлаб чиқдилар.

Бу институтнинг мутахассислари кейинги пайтларда 14 та йирик лойиҳани тайёрлашга эришдилар. Паркент каналининг зонаси бўйича лойиҳаланган электр линияларнинг умумий узунлиги 200 километрдан ошади.

телетайп лентасидан

● ПРАГА. В. И. Ленин музейи жойлашган Гиберна кўчасидаги қадимий уйининг залларида тантанали сукунат ҳукм сурмоқда. Жаҳон пролетариати доҳийсининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида, унинг музаффар ғояларининг улуғвор ғалаби ва барҳаётлиги ҳақида томошабинларга ҳикоя қилаётган экскурсоводнинг овозигина бу сукунатни бузмоқда.

Бу йил музей ўзининг 25 йиллик юбилейини нишонлади. 1912 йилда В. И. Ленин раҳбарлигида РСДРПнинг олтинчи Умумроссия (Прага) конференцияси бўлиб ўтган шу бинони ўтган йиллар мобайнида ЧССР меҳнаткашларидан 2 миллион 629 минг киши, шунингдек ажнабий туристлардан 900 минг киши келиб кўрди.

● ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Совет маданий жамиятининг Панжоб бўлими билан Совет-Ҳиндистон дўстлиги жамиятининг Ўзбекистон бўлими бирбирларига юборадиган фотовиставкалар Панжоб билан Совет Ўзбекистонининг социал-иқтисодий ютуқлари, уларнинг тарихи ва маданияти тўғрисида ҳикоя қилади. Панжоб бўлимининг шу йил ноябрь ойида Лудхиянда ўтказиладиган навбатдаги конференцияси чоғида экспозицияларнинг материаллари айрибошланади.

● ЛИМА. Экономика ва молия министри Х. Сильва Руэте бу ерда миллий телевидение орқали сўзлаган нутқида бундай деди: Перунинг экономикаси ва молияси оғир машаққатларни бошидан кечирмоқда. Мамлакатнинг ҳозирги қарзи қарийб 6,5 миллиардга етди.

Х. Сильва Руэте халқаро валюта фондининг фаолиятини қоралади. Бу фонд асоратли шартлар билан қарз бериб, «иқтисодий проблемаларни мушкуллаштириб юбормоқда».

Министр перуликларни Перуда амалга оширилаётган прогрессив социал-иқтисодий ўзгаришларни ҳимоя қилиш учун бирлашишга даъват этди.

(ТАСС).

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шуни маълум қиладики Тошкент шаҳар Советининг XVI чақириқ VI сессияси 1978 йил 22 июнь куни кундуз соат 15.00 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида (Ўзбекистон кўчаси 9-уй) очилади.

Депутатларни рўйхатга олиш ўша жойнинг ўзида соат 14.00 да бошланади.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

⊙ МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

«Главташкентстрой»нинг «Жилстрой» трести билан 1-Тошкент уйсозлик комбинати ва 2-Тошкент уйсозлик комбинати, «Ташинжстрой» трести билан «Таштрансспецстрой» трести ўртасидаги социалистик мусобақа

Мусобақадошлардан ўрнак олиб

Ўзаро мусобақадош «Жилстрой» трести ва 1- ҳамда 2-уйсозлик комбинатлари коллективлари беш йилликнинг учинчи йили биринчи ярим йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш нятижа юксак унум билан иш олиб боряптилар. Фақат 2-уйсозлик комбинати бош пудрат ва ўз кучлари билан иш бажариш планини бажармади. Комбинат раҳбарлари қолоқлик сабабларини коллективда ташкилий ишлар борасида юз бераётган қийинчиликлар, етитта бошқарманинг тўртаси ишлаб чиқариш базасига эга эмаслиги ва «Главташкентстрой» томонидан бесилган планлар уларнинг имкониятлари даражасида эмаслиги билан изоҳлашмоқда. Бу фикрлар ўтган йили 1-уйсозлик комбинати реконструкция қилинаётган пайтдаги воқеаларни эслатади. Коллективда план топшириқлари ва мажбуриятларни бажарилмаслигига бир қатор объектив камчиликлар ҳам сабаб бўлмоқда.

1978 йил январь — май ойлари асосий кўрсаткичлари

	Қурилиш трестлари				
	1-«Жилстрой»	1-уйсозлик комбинати	2-уйсозлик комбинати	«Ташинж-строй»	«Таштранс-спецстрой»
Қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиш процентларда					
а) бош пудрат бўйича	101,0	100,1	71,9	104,8	100,3
б) ўз кучлари билан	104,0	100,4	93,1	104,2	97,3
Иш ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (процентларда)					
а) бош пудрат бўйича	107,6	170,5	141,8	101,5	99,1
б) ўз кучлари билан	108,1	117,8	100,7	98,6	97,4
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари	102,7	104,3	87,8	98,7	98,0
Меҳнат унумдорлигининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши	108,7	119,2	97,4	103,6	101
Планни бажармаган бошқармалар					
а) бош пудрат бўйича	—	1	2	—	3
б) ўз кучлари билан	—	—	4	—	3
Уй-жой қурилиш планининг бажарилиши	96,6	102,1	72,6	—	—
Мактаблар қурилиши планининг бажарилиши	210	—	—	—	—
Мактабгача болалар муассасалари қурилиши планининг бажарилиши (процентларда)	—	—	—	—	—
Маҳаллий Советлар объектларини қуриш планининг бажарилиши	94,8	102,4	69,9	36,0	
Йил бошидан фойдаланишга топширилган объектлар сони	12	23	5	—	—
Ўртача баҳоси (балларда)	3,5	3,2	3,1	—	—
Бригада пудрати методи бўйича ишлаётган бригадалар сони	17	30	24	8	8

Улар ишлаб чиқаришдаги резервларни қидириб топишда активлик кўрсатишлари керак.

Ярим йиллик планни муваффақиятли адо этиш учун ёрдамчи пудратчилар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, объектларни қурилиш ва бинокорлик индустрияси материаллари билан пешма-пеш таъминлаш лозим. Шунингдек, меҳнатдаги мусобақадошлари қўлга киритаётган ютуқларининг омилларини, тажрибаларини ўрганишлари зарур. «Жилстрой» трести ўз вақтида орёлликларнинг методини бўлинмаларида жорий эта олдику. Бунинг учун эса улар қурилишда бош пудрат ишлари билан банд бўлган коллективларнигина эмас, балки «Ташсантехгазмонтаж», «Ўзэлектромонтаж» ва бошқа ёрдамчи пудратчиларни ҳам эшитдик.

Ишга тушириладиган объектга алоҳида эътибор берилиши зарур. Ваъдабозликни йиғиштириб, амалий ишга ўтиш, электр монтаж буюмлари заводининг янги корпуси қурилишини ва реконструкция ишларини тезроқ битказиш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

В. ЭНКЕР.

Қурилишда сокинлик бошланди

«Ўзэлектромонтаж» трестининг Тошкент электр монтаж буюмлари заводи қурилиши тўғрисида ана шундай дейишмоқда.

Қурилаётган корхона 2-цехининг бетон деворлари ортида дарахтларда қушлар сайрашмоқда. Узоқда прессларнинг уф тортишлари эшитилади. Аммо бу йил ишга туширилиши лозим бўлган объектда эса сокинлик ҳукм сурмоқда. Қурилиш майдони олдида «Ташпромстрой» трестининг жилокорлари ташлаб кетган қоришмалари «тоғ» бўлиб ётибди. Темир-бетон конструкциялари ҳам қалашиб кетган. Бироқ 57-қурилиш-монтаж бошқармасининг қурувчилари бу ерда иш бошлаганлари йўқ. Бўм-бўш цехларда, маъмурий хўжалик корпусида қурилиш чиқиндилари тўлиб ётибди.

Ҳамроҳларим «Ўзэлектромонтаж» трестининг бошқарувчиси И. Фельдман ва завод директори В. Подольский бино июнь ойида фойдаланишга топширилиши керак эди, лекин графикни бузишга тўғри келяпти, дейишди.

Электр монтажчилари бинонинг тезроқ битказилишини орзиқиб кутишяпти. Агар реконструкция ишларининг биринчи босқичи тугаса, корхона ҳар йили 900 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эга бўлади. Ана ўшанда завод ҳозиргига нисбатан уч марта кўп маҳсулот ишлаб чиқаради. Реконструкция ишларининг тезроқ тугалланиши қурилиш майдонларида сув билан ҳаводай зарур бўлган турар жой бинолари ва маданий-маиший объектлар қурилишига ишлатиладиган конструкциялар ишлаб чиқариш кўпаяди. Шаҳримизда қурилиш ишларининг ҳажми борган сари ортмоқда. Реконструкциянинг тугалланиши эса объектларга материаллар етказиб беришни анча яхшилайди.

Завод 2-цехи қурилишини тезроқ битказишни таъминлаш учун қандай тадбирларни амалга ошириш лозим? Бош ва маъмурий хўжалик корпусида, ошхонада том ёпиш ишларини бажариш керак. Барча ишлаб чиқариш хоналарида 38 минг сўмлик жилокорлик ишларини адо этиш лозим. Ишлаб чиқариш корпусида жиҳозларни монтаж қилиш учун пойдевор қуриш ишларини тугаллаш, «Средазтепломонтаж», «Ташсантехгазмонтаж», «Узпромвентилация» каби ёрдамчи пудратчилар ишга жалб этилиши зарур. Объектда яна 120 минг сўмлик қурилиш ишларини бажариш керак. Бунинг учун эса камида 40 нафар пардозчи, 20 нафар изоляциячи, ўнлаб сантехниклар, монтажчилар ҳамкорликда иш олиб боришлари талаб этилади.

Объектда меҳнат қилаётган ташкилотларнинг раҳбарлари қурилишда бирлик ясаш ўрнига, ваъдабозлик билан шуғулланишяпти. Масалан, ана шундай ваъдаларни «Ташпромстрой» трестининг бошқарувчиси С. Расулов, «Средазтепломонтаж» трести бошқарувчиси Н. Дядюра, «Промэнергомонтаж» бошқармасининг бошлиғи Б. Раснер ва бошқалардан ҳам эшитдик.

Ишга тушириладиган объектга алоҳида эътибор берилиши зарур. Ваъдабозликни йиғиштириб, амалий ишга ўтиш, электр монтаж буюмлари заводининг янги корпуси қурилишини ва реконструкция ишларини тезроқ битказиш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

В. ЭНКЕР.

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ ПЛАНИ БЎЙИЧА

«Ангренский» нўмир разрезининг оталиқ бригадалари Тошкент областининг Бўка районидаги тўртта колхозда ишларни бажарнб бўлди. Транспорт, шахта қурилиши ва бошқа бошқармаларнинг ишчи ва инженерлари хўжаликларга ёрдамга келган материалларидан фойдаланилди. (ЎзТАГ).

Автомат бошқариш системаси

«Средазгипроводхлопок» институтининг мутахассислари Гулистон территориал диспетчерлик пункти қурилиши учун «Кировканал» бошқармасига дастлабки иш чизмаларини топширдилар. Бу диспетчерлик пункти Сирдарё сув ҳавзаси энг йирик автомат бошқариш системасининг гоят муҳим бўғинидир. Унда ҳисоблаш маркази бўлган марказий пульт жойлаштирилади.

Атиги бир диспетчер системанинг аниқ-пухта ишлашини таъминлаб туради. Унга Сирдарёнинг Фарҳод ГЭСидан тортиб Чордара сув ҳавзасигача бўлган 264 километр узунликдаги участкаси, Мирзачўл ва Жиззах даштларидаги, Тожикистон ва Қозоғистоннинг қўшни областларидаги бутун ирригация-мелиорация шоҳобчалари бўйсунадиган бўлади.



Кафия Раимова бир неча йилдан бери «Главташкентстрой»нинг 4-трестига қарашли 18-қурилиш бошқармасида самарали меҳнат қилиб келади. Бу илғор ғишт терувчи доимо ишнинг сифатли бўлиши учун жон куйдиради. Шу билан бирга смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб, кўплаб ёшларга ғишт терувчилик касбининг сирларини ўргатмоқда.

СУРАТДА: К. Раимова.

Д. Аҳмедов фотоси.

• *Касаба союз ҳаёти*

БЕЛЛАШУВ САМАРАСИ

Барча совет кишилари қатори Тошкент чинни заводининг меҳнатчилари ҳам СССР Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаш учун ғайрат камарини маҳкам боғлаганлар.

Заводда бўлганимизда корхона касаба союз комитетининг раиси М. К. Неъматов билан учрашиб, ана шу умумхалқ ҳаракатига қўшилган чиннисозларнинг ишлари ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Сифат ва самарадорликни ошириш шиори остида меҳнат қилаётган коллективимиз КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани янада авж олдириш тўғрисидаги Мантубида қўйилган вазифаларни жанговар программа сифатида қабул қилганлар.

Коммунистик меҳнат коллективи номи учун курашаётган 1926 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи шонли сана — СССР Конституцияси қабул қилинган кунининг бир йиллигигача уч йиллик шахсий планларини бажаришга сўз беришган. — Дарвоқе, наққошлик коллективи завод цехлари ўртасидаги социалистик мусобақада илғор ҳисобланиб, йил бошидан буён завод нўчма Қизил байроғини ўзларида сақлаб келмоқдалар.

Республикамиз саноат корхоналарининг ўн дарғаси бошлаб берган бир беш йилликда инки беш йиллик шахсий планини бажариш ҳаракатига биринчи бўлиб коммунист, Ленин орденининг кавалери, моҳир ишчи Ҳикмат Холтожиев қўшилган эди. Ҳозир Ҳ. Холтожиевнинг заводда ўн бир издоши бор. Улар беш йиллик шахсий планларини бажариш арафасида туришибди. Беш йиллик планларини 85 ишчи уч йилда, 560 ишчи тўрт йилда ва 740 ишчи 4,5 йилда бажариш учун курашаётир.

Шу кунларда 38 ишчи 1979 йилнинг иккинчи ярмн ҳисобига маҳсулот топшира бошлади. 20 коммунистик меҳнат бригадаси коллективлари СССР Конституциясининг бир йиллигинни уч йиллик планларини бажариш билан нишонлашади.

Завод коллективи 1978 йил планини 25 декабргача бажариб, планга қўшимча 200 минг сўмлик чинни маҳсулотлари реализация қилади. Бунинг 100 минг сўмлиги муқобил план ҳисобига амалга оширилади. Беш хил чинни буюм эса Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилади. Жаъми маҳсулотнинг 6 процентн Давлат Сифат белгиси билан реализация қилинади. Бундан ташқари, 5 тонна минерал хом ашёси ва материал, 27 минг киловатт-соат электр энергияси, 380 тонна шартли ёқилғи ва бошқа материаллар тежалади.

Завод ишчилари 26 майда зарбдор йилнинг беш ойлик планини муваффақият билан бажарган эдилар. Планга қўшимча минглаб сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Давлат Сифат белгиси билан 328 минг сўмлик чинни буюмлари тайёрланди. Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириги 102,4 процент бажарилди.

Корхона касаба союз комитети фақат мусобақани ривожлантиришга эътибор бериб қолмай, балки ишчилар учун янада яхши шароит яратиб бериш учун ҳам қайғурмоқда. Қозалқин мевазор, узумзорда яхши жиҳозланган сўри-наравотлар, гулзорлар билан ўралган қизил чойхона яшнаб турибди. 200 ўринли ошхона коллективи хизматда. Ўтган ойларда 15 ишчи санаторийларда, 21 ишчи дам олиш уйларида қордик чиқариб, саломатликларини тиклаб қайтишди.

Наққош Лола Раҳимова Грузияда, Сония Юнусова Қирғизистонда касаба союзлари ҳисобидан йўлланма олиб қордик чиқариб келишди. Ишчиларга ой сайин ана шундай йўлланмалар берибгорилятти. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари ёзги каникулни нўнгилли ўтказишлари учун ҳам етарли йўлланма ажратилган.

Катта-кичик тадбирларнинг барчаси зиммага олинган социалистик мажбуриятни оширб бажаришга хизмат қилмоқда.

Т. НАЖМИЯ.

ЭКОНОМИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ЯНГИ ҲОСИЛ ИПАГИ

Ўрта Осиёда катта Марғилон шойи комбинатида янги пиллани чувишга киришилди. Мамлакатнинг магазинларига беш йилликнинг иккинчи йилида Фарғона областининг хўжаликлари етиштирган пилла ипагидан тўқилган юз минг метрлаб крепдешин, крепжоржет ва юқори сифатли бошқа шойилар жўнатилди.

Марғилонликлар шу йил узунлиги қариб 26 минг километрга борадиган шойи газламалар тўқиш мажбуриятларни олдилар. Бу планда кўзда тутилганидан анча кўп.

* * *

СИФАТ ЯХШИЛАНДИ

Бекобод цемент заводининг хом ашё тегирмонларида гидроклассификаторлар ўрнатилди. У туюлган хом ашёни пиширишдан олдин хилларга ёрдам беради. Тольятти машинасозлик заводининг коллективи уни Бекободга юборди. Эндиликда ўша тегирмонларнинг ўзидан 15 процент кўпроқ цемент хом ашёсини олиш мумкин бўлади, унинг сифати эса анча ошди.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

АФҒОН ХАЛҚИНИНГ ХОҲИШ-ИРОДАСИ БИЛАН

ҚОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикаси Революцион кенгашининг раиси, бош министри Нурмуҳаммад Тараки Ироқ информация агентлигининг мухбири билан суҳбатлашиб, Афғонистон янги ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсий йўли хусусида берилган бир қанча саволларга жавоб қайтарди.

Афғонистоннинг ички сиёсати, деди у, «АДР ҳукумати революцион вазифаларининг асосий йўналишлари» деган ҳужжат билан белгиланади. Афғонистонда социал ва миллий зулмнинг ҳамма турлари ва шаклларини қўпориб ташлаш партиязиз ва давлатимизнинг олий мақсадидир.

Н. Тараки Афғонистон ҳукумати Афғонистон Халқ Демократик партияси (АХДП) билан мамлакатдаги бошқа партиялар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиб, миллий фронт вужудга келтириш ниятидами, йўқми, деб берилган саволга жавоб қайтариб Афғонистонда бирдан бир умуммиллий, революцион ватанпарвар ва демократик партия бўлмиш АХДРдан бўлак бошқа партия йўқ, деди. АХДПгина ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, майда ва ўрта миллий буржуазия манфаатларининг ҳақиқий ифодачиси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Мамлакатда бошқа сиёсий группалар бўлганида ҳам улар ё революцияга қарши қурилиб халқ душманлари бўлдилар. ёҳуд ҳеч ким номидан иш қўролмайдиган майда гуруҳлар бўлиб қолдилар. Апрель революцияси фақат АХДП раҳбарлигидагина амалга оширилди. Революциянинг ғалаба қозониши учун бошқа бирон сиёсий гуруҳ ҳаттоки заррача бўлсада куч сарфлагани йўқ.

Н. Тараки қўшни мамлакатлар билан муносабатларга тўхталиб бундай деди. «Биз Эрон ва Покистон билан дўстона муносабатлар ўрнатиш истагида эканлигимизни очиқ-ойдин айтдик ва яна бир карра такрорлаймиз. Ҳиндистон билан муносабатларимиз ҳамиша дўстона муносабатлар бўлиб келди ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолаверади. Ҳиндистон Афғонистонга қарши ҳеч қачон ғанимлик қилмади, бошқаларга ҳам бундай қилмасликни маслаҳат беради. биз бунга аминмиз. Бошқа бирон мамлакат Афғонистондаги ҳозирги аҳволни ўзгартириш йўлига ўтгудек бўлса, у қилмишининг оқибатлари учун жавоб беради».

Афғонистоннинг қаҳрамон халқи АХДП раҳбарлигида революцион озодлик йўлидан изчил бораверади. деб таъкидлади АДР бош министри.

ФЕСТИВАЛГА ТАЙЁРГАРЛИК

КОЛОМБО. Шу йил ёзда социалистик Куба пойтахти — Гаванада ўтказиладиган ёшлар ва студентларнинг XI Жаҳон фестивалига тайёргарлик Шри Ланкада кенг кўламда авж олдириб юборилди. Шу муносабат билан мамлакатда семинарлар, конференциялар, йиғилишлар, лекциялар, митинглар ва бошқа нўпдан-кўп тадбирлар ўтказилмоқда. Фестивалга тайёргарлик кўриш юзасидан махсус миллий комитет туэилди. Бу комитет составига Шри Ланкадаги деярли барча ёшлар ташкилотларнинг вакиллари кирдилар.

Комитет раиси Сагат Муттетувегама (у айни вақтда Шри Ланка Коммунистик ёшлар федерациясининг президенти лавозимини ҳам эгаллаган) ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: комитетнинг асосий фаолияти, аввало, фестиваль гояларн ва шиорларини, ёшларнинг антиимпериалистик курашдаги вазифаларини тушунтиришга қаратилган нуч-ғайратларини бир жойга жамлашдан иборатдир.

Шри Ланка пойтахтида ҳамда мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бўлиб ўтган йиғилиш ва митингларнинг қатнашчилари планетанинг барча тинчликсевар кучлари тинчлик ва тараққиётни ҳимоя қилишда биргалинда ҳаракат қилишлари, империализм, мустамлакачиликка, янги фашизмга, апартеидга қарши курашни кучайтириш, барча халқлар ўртасида дўстлик ва бирдамликни мустаҳкамлаш зарур эканлигини таъкидладилар.

Фойдаланишга топширилди

ПХЕНЬЯН. КХДРнинг шимоли-ғарбида янги ирригация комплекси фойдаланиш учун топширилди. Ана шу комплекс ёрдами билан Амноккан дарёсининг сувидан суғориш учун фойдаланилади. Объект мамлакатнинг шимоли-ғарбий ирригация системасига уланди. Бу эса шоли ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини анча ошириш имконини беради.

КХРда такомиллаштирилган суғориш системаси барпо этилди. Мамлакат каналлар шоҳобчалари кенгайди. Машина-механизмлар ёрдами билан сув тоғли районларнинг экинзорларига ҳам чиқарилмоқда. Ўтган олти йиллик мобайнидагина халқ Кореясида сувни кўтариб берадиган салкам 9 мингта станция ва 117 та янги йирик сув омбори барпо этилди.

Ҳар икки томон манфаатларини кўзлаб

АНТАНАНАРИВУ. СССР билан Мадагаскар ўртасида товар оборотн ўтган йили шундан илгариги йилдагига қараганда 4,6 барвар ошди. Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар 1975 йилда имзоланган савдо шартномаси асосида ривожланмоқда. Мазкур шартнома туфайли СССР савдо ташкилотлари билан Мадагаскар Демократик Республикаси фирмалари ўртасида бевосита ўзаро фойдали алоқалар ўрнатилди. Совет Иттифоқи улардан Мадгаскар одатда экспорт қиладиган товарлардан — кофе, Чиннигул, муруч сотиб олмоқда. СССР бу ёш ривожланаётган республикага Горький автомобиль заводининг юк автомобилларини, вертолётлар бошқа машиналар ва товарларни етказиб бермоқда.

Мадагаскар Демократик Республикаси экономика ва савдо министрлигида ТАСС мухбирига қуйидагиларни маълум қилишди: «Биз «МИ-8» вертолётларидан айниқса мамнунмиз. Бу универсал машиналар бизнинг мамлакатимиз сингари тоғлик ўлка учун айниқса зарур. Бу машиналардан шолипояларда ишлаш, узоқ районлардан беморларни, шунингдек шошилинч юкларни ташиб келтириш учун фойдаланилмоқда. Улар оролнинг бир қанча районларида яқинда бўлиб ўтган тошқин натижасида йўлларни сув босган вақтда бизга катта ёш кўрсатди. Табиий офатдан зарар кўрган қишлоқларга озиқ-овқат, дори-дармон совет вертолётларида етказиб берилди.

Мадагаскар Демократик Республикасида совет китоблари — марксизм-ленинизм классиклари асарларига ижтимоий-сиёсий техника, бадиий асарлар, луғатлар ва дарсликларга талаб катта. Шундай китобларни сотиш учун ўтган йили Антананаривуда совет китоблари магазини очилди.

КАПИТАЛ ҲУКМРОН МАМЛАКАТЛАРДА

Завод дарвозасининг бир томонида — стачкачиларнинг пикети, иккинчи томонида эса — қуролланган аскарлар итлар билан туришибди... Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи «Дюруа-Жане» француз компанияси заводларининг ишчилари ўз ҳаётий манфаатлари учун курашмоқдалар. Иш ташлаган ишчилар меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб қилишяпти.

ТАСС фотохроникаси.



ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Яқинда Акмал Икромов районидаги Ёзиқулн Худойбердиев номли маҳалла аҳолиси ва активларининг район раҳбарлари иштирокидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш иштирокчилари «Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тинчлиқ» асарларининг тарбиявий аҳамияти ва шу муносабат билан ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда маҳалла ва жамоат. чилигининг роли» масаласини муҳокама қилдилар.

Маҳалла комитети раисининг ўринбосари. 123-ўрта мактаб директори Мавлонбек Соатов «Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда маҳалла ва жамоатчилигининг роли. деган мавзуда гапирди. У маҳалладаги ҳурматга сазовор қарилар, ёшлар ҳақида гапириб, уларни маҳалланинг бошқа ҳонадонларига ибрат сифатида эслатиб ўтди.

«Кўрқам» нўчасида истиқомат қилиб турган Ғовсиддин ака Юсупов ишчи касбини ардоқлаганлардан. 6 ўғил, 5 қизни тарбиялаб вояга етказган. Ҳаммаси ишчи ва хизматчи бўлиб етишган. Муродхон ака Файзуллаев ҳам кўп болани тарбиялаб вояга етказган маҳалланинг намунали отахонларидан. У киши 13—14 ёшидан «Ташсельмаш» заводида ишчи бўлиб, 1954 йилдан то ҳозиргача 3-автокомбинатда шофер бўлиб ишлаб келмоқда. Ўғиллари Жамолиддин, Камолиддин, қизлари Мастура, Гулчеҳралар давлат муассасаларида ҳалол меҳнат қилмоқдалар.

81-мактаб директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Сандакбар Сайдаҳмедов райондаги мактаб болалари, балоғат ёшидаги йигит-қизларнинг тарбияси ҳақида гапирди.

Район халқ маорифи бўлимининг мудири Абдулаҳад Йўлчиев ҳам райондаги болалар, мактаб ўқувчиларининг таълим-тарбияси масалаларига тўхталиб, баъзи узоқ маҳаллаларда ота-оналар ва маҳалла активларининг масъулиятсизлиги оқибатида ўспирин, балоғат ёшига етмаган болаларнинг безорилик, ўғирлиққа берилиб, жиноятга қўл урааётганликлари, булар ўз навбатида уларнинг бошқа тенгқурларининг тарбиясини бузаётганлигини сўзлади.

Йиғилиш сўнггида маҳалла комитетининг раиси, меҳнат ветерани Соатхўжа ака Аҳмедов маҳалла номидан, ота-оналар номидан сўзга чиқиб, ёшлар тарбиясига оид қимматли гапларни айтди...

Ш. ТУРДИЕВ.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. ҲАМИДОВА: Сафар чоғида йўқотилган, унутиб қолдирилган буюмни эгасига қайтариш ҳақида қандай тартиб мавжуд?

Жавоб: Буюмни йўқотган шахс икки ҳафталик муддат ичида ҳозир бўлмаган тақдирда топилган буюмни қабул қилган ташкилот маъмурияти бу ашёни милицияга топширади. Транспорт органлари топилган ва ўзларига топширилган ашёларни транспортда амалда бўлган қоидаларга мувофиқ сақлайдилар.

Милиция органлари ўзларига топширилган буюм ва ашёларни олти ой сақлашга мажбурлар. Ашёсини йўқотган шахс шу муддат ичида ҳозир бўлмаса буюм давлат эгалигига ўтказилади.

* * *

А. НОСИРОВ: Ишчининг бекор туриб қолган вақти учун унга ҳақ тўланадими ёки тўланмайдими?

Жавоб: Амалдаги тартибга кўра бекор туриб қолган вақт ходимнинг ўз айби билан вужудга келган бўлса унга ҳақ тўланмайди.

Бекор туриб қолинган вақт учун ишчининг айби бўлмаса тегишли малакага эга бўлган ишчилар меҳнатига вақтбай ҳақ тўланадиган тариф ставкасининг ярмига тенг миқдорда ҳақ тўланади. Электр энергия, хом ашё ва хоказолар бўлмай қолиш натижасида бекор туриб қолинган вақт учун ҳам шу тартибда ҳақ тўланади.

Металлургия, кон-руда ва кокс саноатида ишчи ёки ходимнинг айби билан бўлмаган бекор турилган вақт учун тегишли разрядга эга вақтбай ишловчининг тариф ставкаси бўйича белгиланган маошнинг учдан икки қисми миқдорида ҳақ тўланади.

* * *

С. АЪЗАМОВ, З. ЭРГАШЕВ: Шаҳримизда шоферликни ўргатадиган ўқув юрти борми?

Жавоб: Шаҳримизда шоферлар тайёрлайдиган махсус ўқув юрти мавжуд эмас. Аммо ёшлар учун ҳайдовчиликни ўрганиш имкони бор. Октябрь, Собир Раҳимов, Чилонзор, Киров, Ленин ва Ҳамза район л а р и да ДОСААФ комитетлари қошида спорт-техника клублари мавжуд. Бу спорт-техника клубларида шоферлар ҳамда мотоциклчилар тайёрланади. Лозим бўлган ҳужжатларни топшириб, бу спорт техника клубларида ҳунар ўрганишингиз мумкин.

* * *

Н. РИХСИЕВА: Тошкентда инглиз тилини ўқитадиган курслар бор деб эшитдим. Илтимос, ана шу курсларга қабул шартлари ва ўқиш муддатлари ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Гапингиз тўғри. Мана 25 йилдирки Тошкентдаги олимлар Уйида бундай курслар ишлаб турибди. Бу курсларда инглиз тилидан ташқари француз ва немис тиллари ҳам ўргатилади. Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади ва у ҳафтада икки марта бўлади. Бундай курсларда ўқиш муддати икки йилдир.

КУЧА ТАСОДИФЛАРГА ТУЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Марказлашган юк ташиш трестига қарашли 143-автобаза шофери Ю. Жуматуллаев йўл ҳаракати қоидасини бузганлиги учун узоқ муддатга автомобиль ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилди ҳамда келтирган моддий зарарини пул билан қоплайдиган бўлди.

Сергели ва Ленинград кўчалари чорраҳасида у «Кириш мумкин эмас» деган белги остидан йўл қоидасини бузиб, бир томонга юриш мумкин бўлган кўчанинг қарши томонидан кириб келди. Қоидабузар навбатдаги чорраҳага келганда ўнг томондан келаётган транспорт воситасига йўл бермади, натижада тўқнашиш содир бўлди. Ю Жуматуллаевнинг ўзи касалхонага тушиб қолди.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Асабни асранг

Эрталаб ишга ўз вақтида етиб бориш, уйга кечикмай етиб келиш учун киши транспорт азиятидан мутлоқ ҳоли бўлиши керак. Транспорт кутиш, тиқилинч ва бунинг устига ҳайдовчининг такрори, маза-бемаза гаплари, дўқлари киши асабини вайрон қилади. Бу ҳам камлик қилгандек «Олдинги эшикдан, билетингни кўрсатиб тушасан» деб икки оёғини тираб олади. Бунга баъзи йўловчиларнинг ўзлари айбдор.

Бунақа кўнгилсиз ҳодиса трамвай, троллейбус ва автобусда вақти-вақти билан содир бўлиб туради. Оқшомхонлар бундан хабардор, албатта. Лекин айтмоқчи бўлган гапимиз шуки, асаб бузилса қон таркибида адреналик моддаси кўпайиб кетади, томирларда босим ошади. Симпатик нерв ҳужайраларига етиб бориб, томирларни боз қисади, ранг қув ўчиб, фикр доираси нормал изидан чиқади. Энди кишининг жаҳли келди. «Жаҳл келса — ақл кетади» деб бекорга айтмаганлар.

Асаби бузилган, жаҳли чиққан, бунинг устига ишга кечикиб келган киши ишга тез шай бўлолмайди, ишининг унуми бўлмайди, бракка ҳам йўл қўяди. Табиатан хушчақчақ ва тезкор киши (сангвиник) нохушликни бир амаллаб бартараф қилади. Улардан баъзилари эса зиддиятни кутмасдан кишига ҳужум қилади. Аммо табиати ўзгарувчан, таъсиротларга берилувчан кишилар (флегматик, холерик) хийла вақтгача нохушликка асир тушиб қолади-лар. Оёқ ёки қўллар титрашда давом этаверади. Қулоққа гап кирмагандек, кўз тинаётгандек туюлади. Бунинг устига жабрланган киши бўлган воқеани тез-тез такрорлаб бериб, бошқаларнинг ҳам асабига тегишга бошлайди. Баъзилар эса чекишга эҳтиёж сезадилар. Холерик эса кечани бедор ўтказади.

Шунақа вақтда ҳамдард ўртоқ керак. Яхши ошна топиб, билиб гапиради, таскин беради. «Эй, ўртоқ, шунга ҳам ташвиш қилиб юрибсанми». «Фалончининг азияти олдида сенинки нима бўлибди, шунга ҳам ота гўри қозихонами», «Бас қил, шунақа нарсага ҳам куйиб-пишиб юрсанг бетингга ажинлар тушиб, ҳунук бўлиб қоласан» ёки шунга ўхшаш ҳажвий луқмалар албатта кор қилади, киши таскин топади.

Кўкаламзор, умуман покиза ва обод ишхона асабга таскин бериш фазилатига эга. Овқат вақтида деярли навбатсиз нафсни қондириш, музика тинглаш, ажойиб плакат ва расмларга боғлиб енгади. Аммо табиати ўзгарувчан, таъсиротларга берилувчан кишилар (флегматик, холерик) хийла вақтгача нохушликка асир тушиб қоладил

КИНО

21 июнда

ҚИШКИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «МОСКВА» (17.30, 19, 20.30), «НУКУС» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (кечқурун).

Роберт плюс Тереза — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Багдасар хотини билан ажралишмоқда — «ДРУЖБА», ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Келгинди аёл — «ҚОЗОҒИСТОН» (19, 21.00). «УЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ҚОЗОҒИСТОН» (17, 20.00).

ЁЗГИ БИНОДА

Сўнгги ўқ овози — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30, 22.30).

Багдасар хотини билан ажралишмоқда — «ХИВА» (20.30, 22.30).

ОЗГИНА ГЎЗАЛЛИК ҲАҚИДА

Ҳар куни юзлаб онлалар ҳовли тўйи ўтказади ва табиийки, уларнинг ҳаммаси ўз квартираларининг фақат қулай ва орастагина эмас, шу билан бирга ўзига хос бўлишини ҳам хоҳлашади.

Миллий безаклар берилган сўзаналар, атлас ёстиқлар, духобадан тикилган диван жилдлари хонага ажойиб шарқ зебини беради.

Ҳунармандчилик — амалий саноат буюмларини саноат моллари магазинларининг совғалар ва галантерея бўлимларидан ҳам ҳозирги кунда ҳеч ким ҳайрон қолмайдиган даражада кенг ассортиментда сотиб олиш мумкин.



Савдо ташкилотлари бундай буюмларни «Узоптгалантерея» республика базасидан харид қилишлари мумкин.

«УЗОПТГАЛАНТЕРЕЯ» РЕСПУБЛИКА БАЗАСИ.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

МАКТАБЛАР ВА ПИОНЕР ЛАГЕРЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ

ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ

мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида

5 — 10 синф ўқувчилари учун

қуйидаги бўлимлар бўйича

ТЕМАТИК ЭКСКУРСИЯЛАР УЮШТИРАДИ

Ўрта Осиё халқ ўймакорлик ва амалий санъати.
Ўзбекистон тасвирий санъати.
XV — XX аср рус санъати.
XIV — XIX аср Ғарбий Европа санъати.
ШАРҚ (Ҳиндистон, Хитой, Япония), чет эл мамлакатлари санъати;

Музейнинг лекциялар залида олдиндан бериб қўйилган заявкаларга кўра тасвирий санъат бўйича лекциялар ўқилади, рассомлар билан учрашувлар ўтказилади, санъат ва адабиёт мавзуларидаги фильмлар намойиш этилади.

Экскурсиялар, лекция ва рассомлар билан учрашувларга заявкалар музейнинг илмий-оқартув бўлимида қабул қилинади.

Справкалар учун телефон: 32-73-45.

Музей ҳар куни соат 10.30 дан 18.00 гача ишлайди.

Душанба куни соат 15.00 гача ишлайди. Дам олиш куни — Сешанба.

Музей адреси: Тошкент шаҳар, Ленин райони, Пролетар кўчаси, 16-уй.

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

22, 23 июнь соат 19.30 да

ВЛКСМНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

СУРХОНДАРЁ ВА ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЛАРИ БЎЙЛАБ ЎТКАЗИЛГАН

«САНЪАТ БАЙРАМИ» ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ

ҲИСОБОТ КОНЦЕРТИ

ИШТИРОҚ ЭТАДИЛАР:

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўригининг дипломанти

вокал-хореографик «ЛАЗГИ» ансамбли

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Олмахон ҲАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Гулсара ЁҚУБОВА, Мўътабар ЙЎЛДОШЕВА.

Карфагенда бўлиб ўтган VIII жаҳон фестивалининг лауреати

Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати

Карима УЗОҚОВА

Солистлар: **Фахриддин Умаров, Ортиқ Отажонов, Дилбар Абдуллаева.**

Интермедия ва юморда — **Шерқўзи Ғозиев ва Абдуфаттоҳ Саидов.**

Музика раҳбари — **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист**

САЛОҲИДДИН ТЎХТАСИНОВ.

«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери, Ўзбекистон ССР халқ артисти

ГАВҲАР РАҲИМОВА.

Программани — **Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғ ФУЛОМ ТОЖИАЪЛОЕВ ва МАВЖУДА ХОЛДОРОВА олиб борадилар.**

Филармониянинг бадиий раҳбари — **Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреати, композитор МИРСОДИҚ ТОЖИЕВ.**

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

ҚОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими давлат комитети

22-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди: дурадгор (ўқиш муддати — 1 йил), паркетчи (1 йил), сувоқчи-бўёқчи (1 йил), плитка терувчи (1 йил).

Қурилиш бўёқчиси (ўқиш муддати — 3 йил), пардозловчи-плиткачи (3 йил), қурилиш дурадгори (3 йил), мебелчи дурадгор (3 йил) группаларини битирганларга ўрта маълумот ҳақида аттестат ва билим юртини тамомлаганлиги ҳақида диплом берилади.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит-қизлар қабул қилинади.

Шаҳар атрофидан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Қурилиш объектларида амалий машғулотлар ўтказиладиган пайтларда ўқувчиларга иш ҳақининг 33 проценти тўланади.

Билим юртига қабул қилинганлар уч маҳал бепул овқат, формали кийимлар ва махсус иш кийимлари билан таъминланадилар.

Билим юртини имтиёзли тамомлаган йигит-қизлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига конкурссиз қабул қилинадилар.

Билим юртида ўқув устахоналари, предмет кабинетлари замонавий техник воситаларга ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган.

Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юртига кирғич учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, саккиз йиллик ёки ўрта мактабни тамомлаганлиги ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона расм, характеристика, медицина справкаси.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Ленин райони, Астраханская кўчаси, 12-уй (5-трамвайнинг «Кўк бозор», 12-трамвай ва 22-автобус н и н г «Дегтярёв кўчаси», 9-автобуснинг «Весна» бекатлари). Телефонлар: 91-26-47; 91-29-50; 91-29-40.

БОЛАЛАР УЧУН ПОЙАФЗАЛЛАР

Туристик походлар, шаҳар атрофига сайллар, пионер лагерларида дам олиш — буларнинг ҳаммаси мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида айни муддаодир.

КАНИКУЛ КУНЛАРИДА БОЛАЛАР УЧУН АЛБАТТА ПИШИҚ, ЕНГИЛ ВА ҚУЛАЙ ОЁҚ КИЙИМЛАРИ ЗАРУР.



ТОШКЕНТ «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» УНИВЕРМАГИДА

28 ИЮНГАЧА

ЧИРЧИҚ, ЯНГИЙЎЛ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

БОЛАЛАР ЁЗГИ ПОЙАФЗАЛЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Савдо-кўргазмасида ясли ёшидаги, мактабгача ва мактабгача ёшдаги ва ўқувчи болалар учун гусариклар (пинетка, сандал, туфли), сандалетлар, туфлилар ҳамда хонада кийиладиган оёқ кийимларининг ҳамма размерлари намойиш қилинади.

Савдо-кўргазмаси «Болалар дунёси» универмаги бўлимининг 22, 23-секцияларида соат 9.00 дан 20.00 гача ишлайди.

САВДО КЎРГАЗМАСИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТОШКЕНТ «БОЛАЛАР ДУНЁСИ» УНИВЕРМАГИ. «УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР

86-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йилига

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металл бўйича универсал токарь. 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 1 йил.

Программалаштирилган станоклар оператори. 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 3 йил.

Механика-йиғув ишлари слесари. 15 ва ундан катта ёшдаги йигитлар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 1 ва 3 йил.

Асбобсоз-слесарь. 15 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади. Ўқиш муддати — 1 ва 3 йил.

Дипломли газ-электр пайвандчи. Ўқиш муддати 16 ёшлилар учун 2 йил, 15 ёшлилар учун 3 йил.

Электр пайвандчи. Ўқиш муддати 1 йил. 17 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Электр кўтарма кранлари машинисти. 17 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Давлат таъминотидан ташқари стипендия тўланади.

Дурадгор-моделчи. Ўқиш муддати 3 йил. 15 ёшдан қабул қилинади.

Пресслаш асбоб-ускуналари оператори. Ўқиш муддати 1 йил. 18 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади. Давлат таъминотидан ташқари стипендия тўланади. Бу соҳага кўпроқ қизлар қабул қилинади.

Қолипловчи-штамповкачилар. Ўқиш муддати 1 йил, 18 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Машина ва механизмлар ремонти слесари. Ўқиш муддати 1 ва 3 йил. 15 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Билим юртига 8— 10 синф маълумотига эга бўлган йигитлар ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш давомида 3 маҳал иссиқ овқат ва кийим билан таъминланадилар

Ўқиш муддати иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида 2 та техника ижоди тўгараги, радиоҳаваскорлар тўгараги, жумладан, эстрада, духовой, миллий чолғу асбоблари ансамбли мавжуд.

Спорт секцияларининг 11 тури ишлаб турибди.

Ўқувчилар ёзги каникулда «Чимён» спорт-соғломлаштириш лагерида дам оладилар.

Билим юртини тамомлаганлар олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурссиз қабул қилинади.

Машғулотлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳол, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги шаҳолатнома ёки аттестат, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 6 та фотосурат, характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка.

Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри — 52, Содиқов кўчаси, 6-уй (4, 5-троллейбус, 21-автобуснинг «Экскаватор заводи», 3, 23, 22, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони» бекатлари).

«Союзтелефонстрой» трестининг

ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

Алоқа монтажчилари — кабелчи-қалайловчиларни тайёрлайдиган

ҚИСҚА МУДДАТЛИ КУРСЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ

Курсларга 8 — 10 синф маълумотидаги, шунингдек, Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ёшлар қабул қилинади.

Кабелларга талаб жуда катта эканлигини ҳисобга олиб, курслардаги тайёргарлик асосан бригада методи (амалий) асосда олиб борилади.

Ўқиш муддати — 2—3 ой.

Ўқиш даврида курсант-практикантларга ойига 76 сўм ҳажмида стипендия тўлаб борилади.

Ўқиш тугаши билан битирувчиларга тариф-малака разряди берилади ва «Союзтелефонстрой» трестининг Тошкент қурилиш-монтаж бошқармаси системасида иш билан таъминланадилар.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Справкалар — олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар — 5, Куйбишев шоссеси, 15-уй, 12-корпус (5, 7, 12, 37, 55, 68, 26-автобусларнинг «Тепловоз депоси» бекати). Телефонлар: 91-44-95, 91-56-94, 91-53-00.

КЕРАКЛИ КАСБ

Сотувчилик касби бугунги кунда ёшлар ўртасида оммалашиб бормоқда. Бу замонавий, қизиқарли касб айни пайтда ёшлардан махсус билимларни, меҳнат маҳорати ва тажрибани талаб қилмоқда. Энг яхши савдо ходими бўлиб етишиш учун келган харидорни мулойимгина кутиб олиш ва унга у ёки бу молни дарровгина бериб юборишдангина иборат эмас.

Сотувчи ҳозирги кунимизда савдо эстетикаси, этика, экономика, товаршунослик билимларини атрофлича эгаллаган киши бўлмоғи керак.

ҚАДРДОН ҚИЗЛАР! Агарда Сиз савдода ишлаш ниятида бўлсангиз, Октябрь район озиқ-овқат савдоси бўлимига қарашли

2-МАКТАБ-МАГАЗИНГА ЎҚИШГА КЕЛИНГ.

Бу ерда ҳам одатдаги мактаблардаги сингари қўнғироқ чалинади, ўқитувчилар лекциялар ўқишади, ўқувчилар имтиҳонлар топширишади. Одатдаги ўрта мактабдан фарқи шундаки, бу савдо корхонаси асосидаги ўзига хос меҳнат мактабидир. Сизларни бу ерда этика ва эстетика, товаршунослик асослари ва харидорнинг психологияси, экономика, совет ва меҳнат ҳуқуқлари асослари бўйича лекциялар қутмоқда. Ишлаб чиқариш таълими практикасини ўтасиз. Практика келажакдаги сиз мактаб-магазинингиз ўзида бевосита уч ойлик ишлаб чиқариш таълими практикасини ўтасиз. Практика келажакдаги ишларингиз учун керакли тажриба ва меҳнат кўникмасини беради.

Ўз-ўзига хизмат савдонинг бугунги кундаги энг илғор усулидир. Октябрь район озиқ-овқат савдоси бўлимининг 2-мактаб-магазинида харидорларнинг ҳурматига сазовор бўлган ана шу усулга ўргатилади.


Сиз мактаб-магазинни битирганингиздан кейин озиқ-овқат молларининг сотувчиси ихтисослигини эгаллайсиз ва Октябрь район озиқ-овқат савдоси бўлимининг исталган магазинларидан бирида ишлаш имкониятига эга бўласиз.

Мактаб-магазиннинг маъмурияти битирувчиларнинг ўрта ва олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришга бўлган иштиёқларини қўллаб-қувватлайди. Хоҳлаган кишиларга Тошкент савдо техникумининг кечки ёки сиртқи бўлимларига киришлари учун имтиёзли шароит берилади.

2-мактаб-магазинга 16 дан 25 ёшгача бўлган 8 ёки 10-синф ҳажмида маълумотли тошкентлик қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади.

Ўқувчиларга стипендия тўланади. Дастлабки икки ойда 52 сўм 60 тийиндан, учинчи ва тўртинчи ойда 56 сўмдан, кейинги икки ойда 63 сўмдан стипендия оладилар. Мактаб-магазинда ўқиладиган 6 ой умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.



Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат ёки саккизинчи синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика (бор бўлса, меҳнат дафтарчаси), турар жойидан справка (4х6 см), 2 та фотосурат.

Маълумотлар олиш учун Октябрь район озиқ-овқат савдоси бўлимининг кадрлар бўлимига учрашилсин: Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, Махсус тупиги, 4-уй. Телефон 44-28-62.

Мактаб-магазин Беруний кўчасидаги Ц—27 кварталида жойлашган (7, 16, 19-трамвайлар; 9-маршрутли такси, 28, 64-автобусларнинг «Жарариқ» бекати).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 ИЮЛДАН БОШЛАНАДИ.

ОКТЯБРЬ РАЙПИШЧЕТОРГИ. «УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

21 ИЮНЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

17.45 «Китоб сенинг ҳаётингда». Лев Кассиль. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Жаҳон халқларининг ижоди». Туркия. 19.15 «Э-Студия». 20.05 Ленин комсомолининг 60 йиллигига. «Бизнинг шаҳарлик йигит». Бадиий фильм. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Бутуниттифоқ конкурсининг лауреати В. Кривонос куйлайди. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 22.35 «Спортлото» тиражи. 22.45 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Голландия — Италия терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг

программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Хўрозча ва кунгабоқар». Болалар учун мультфильм. 18.30 «Қорақалпоқ чўлининг қаҳрамонлари». 18.45 «Халқ контроли экрани». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Бола бошидан...» (рус.). 20.05 «Раъно Каримова рақсга тушади». Телевизион фильм-концерт премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Созимда севги васфи». Лирик концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ноз-неъмат бунёдкори». 22.15 «Ҳур қизлар». Бадиий фильм. 1-серия. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Абитуриентлар учун. Биология. 19.30 Болалар учун фильм. «Бир куни». 19.40 «Она шаҳрим — Тошкентим». 20.10 Тошкент янгиликлари. 20.30 «Галина Ковалева куйлайди». Телевизион фильм-концерт. 20.50 «Даврлар йўқламаси». Марказий архивни қайта қуриш ва марказлаштириш тўғрисида ленинча Декретнинг 60 йиллигига (рус.). 21.20 Абитуриентлар учун. Математика.

22 ИЮНЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Мактаб ўқувчиларига музика ҳақида». П. И. Чайковский. «Болалик альбоми». 2-қисм. 10.25 «Бизнинг шаҳарлик йигит». Бадиий фильм. 11.50 «Украина ССР халқ артисти Н. Кондратюк куйлайди». Фильм-концерт. 14.55 Ҳужжатли фильмлар программаси. 15.45 «Фан оламида». 16.15 «Орленок» телестудиясининг концерт залы».

17.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Бразилия — Польша терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Жасорат». 19.15 «1978 йил қўшиқлари». 20.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионати. Перу — Аргентина терма командалари. Аргентинадан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ҳужжатли экран». Кўрсатувни шиор Р. Рождественский олиб боради. 23.20 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг

программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Сеҳрли гиёҳ». Болалар учун кўғирчоқ фильм. 1-қисм. 11.35 Болалар учун концерт. 12.00 Абитуриентлар учун. «Инсонни қандай ёзиш керак». 12.30 «Қизлар давраси». 13.30 «Ижод саҳифалари». Азиз Абдураззоқ.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Богдати воқеа». Болалар учун мультфильм. 18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Шанбалик тўлқинларида» (рус.). 18.45 «Ҳаёт каби гирик». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Мангу олов». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.40 Телевизион театр М. Галвест. «Учрашув». 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармониясининг хор капелласи ижро этади. 21.20 «Забайкалье — июль». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Чорвадор». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув. 22.15 «Ҳур қизлар». Бадиий фильм. 2-серия. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Диалектика қонунлари». Жамиятшуносликдан ўқув кўрсатуви. 19.30 Болалар учун фильм. «Болалар чизган расм». 19.45 «Тошкент» телепрограммаси. «Дўстлик риштлари». 20.05 Тошкент янгиликлари. 20.25 «Ичкиликбозликка қарши ўт очамиз!» (рус). 20.55 «Кўрфазнинг нариги томонида». Телевизион ҳужжатли фильм.

Тошкент Автомобиль ва йўллар институти ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари ҳамда автомобиль транспорти факультетининг деканати шу факультет декани Х. М. Юсупалиевга отаси

Маҳамадали ЮСУПАЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

21 ИЮНЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85. хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р—12993. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1339.